

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ФЕРУЗ УМАРҚУЛОВИЧ

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИДАГИ
ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическом наукам**

Ражабов Феруз Умаркулович

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги ономастик бирликларнинг
лексик-семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари 5

Radjabov Feruz Umarkulovich

Lexico-semantic and linguopoetic properties of onomastic units in the works of
Zahiriddin Muhammad Babur 25

Раджабов Феруз Умаркулович

Лексико-семантические и лингвопоэтические особенности ономастических
единиц в произведениях Захириддина Мухаммада Бабура..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 49

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ФЕРУЗ УМАРҚУЛОВИЧ

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИДАГИ
ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Fil2175 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасида (www.qarshi.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жабборов Хўжамурод
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Азамат Бахронович
филология фанлари доктори, профессор

Йўлдошев Маъруфжон Мухаммаджонович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети 2-бино, 202-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.(0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди (2022 йил “_____” _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Н.Н. Шодмонов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори,
профессор

Г.Н. Тожиева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
филология фанлари доктори
(DSc), доцент

О. Бегимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бир қанча илмий йўналишлар ажралиб чиқди ва алоҳида соҳа сифатида шаклланди. Мана шундай соҳалардан бири номшунослик (ономастика)дир. XX асрнинг 60-йилларидан кейинги даврлар ва XXI асрнинг бошларидан атоқли отлар тизимини тадқиқ этувчи мазкур соҳада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Айниқса, ономастик бирликларни замонавий тилшунослик йўналишларида, яъни бадий матнда ономастик бирликларни лингвопоэтик, лингвокультурологик, когнитив-семантик, социопрагматик жиҳатдан тадқиқ этиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида ономастик тадқиқотлар бўйича поэтик ономастика, яъни бадий матндаги ономастик бирликларни ўрганиш кенг оммалашмоқда. Номшуносликнинг тарихий ономастика, тарихий антропонимика, тарихий топонимия ва шу каби кўплаб атоқли отлар тизимини лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этишга қизиқиш кучаймоқда. Бугунги кунда ёзма ёдгорликлар ва тарихий-бадий асарлардаги ономастик бирликларнинг бадий матндаги ўрни, социолингвистик, лингвокультурологик, лингвопоэтик жиҳатларини очиб бериш эса долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида мана шундай долзарб муаммолардан бири буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарларида зикр этилган ономастик бирликлардир. Бобур асарларидаги ономастик бирликларнинг лексик-семантик, лингвопоэтик, социолингвистик, лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим амалий ва назарий қийматга эга. Чунки Бобур асарларида қўлланган антропонимлар, топонимлар, этнонимлар, зоонимлар, библионимлар, ктематонимлар, фитонимлар, космонимлар луғат бойлигимизнинг таркибий қисми бўлиши билан бир қаторда маънавий ва миллий меросимиз сифатида ҳам қадрлидир. Зеро, “Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодларга қолдириш, давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”¹. Шу сабабли бундай ономастик бирликларни тўплаш ва илмий жиҳатдан таҳлил қилиш тил илмидаги доимий изланишни талаб қилувчи, долзарб масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 10 февралдаги ПҚ-126-сон

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 29.

“Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор, фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида номшуносликнинг турли муаммолари бўйича Э.Бегматов, З.Дўсимов, Т.Нафасов, С.Қораев, Н.Хусанов, Э.Қиличев, Б.Ўринбоев Ғ.Сатторов, С.Раҳимов, Б.Йўлдошев, И.Худойназаров, М.Рашидова, Т.Қурбонов, С.Бўриев, С.Кенжаева² каби тилшунослар тадқиқотлар олиб боришган. Аммо бу йўналишдаги тадқиқотларда бадий матндаги ономастик бирликларнинг поэтик мақсадда қўлланиши, уларнинг асар бадииятидаги ўрни ва тил хусусиятлари мукамал ўрганилган, – деб бўлмайди. Муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, ёзувчининг у ёки бу тил сатҳи бирликларини қўллашдаги ўзига хосликларини аниқлашга бағишланган тадқиқотларда ҳам ономастик бирликларнинг услубий хусусиятлари билан боғлиқ айрим фикрларгина билдириб ўтилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллигимизнинг сўнгги йилларида ўзбек тилшунослигида бой мумтоз ва тарихий адабиётимизнинг гўзал намуналарида зухурланиб қолган тарихий ономастик бирликларнинг лексик-семантик, антропоцентрик, лингвопоэтик хусусиятларини турли

² Бегматов Э.А. Антропонимика узбекского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – 28 с.; Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – 263 б.; Исмларнинг сирли олами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 176 б.; Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 1998. – 604 б.; Дўсимов З. Хоразм ономастикасининг шаклланиши ва Авесто. – Тошкент: Фан, 2010. – 112 б.; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – 24 с. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 287 б. Қораев С. Опыт изучения топонимике Узбекистана: Автореф.дисс. ...канд.филол. наук. – Ташкент, 1969. – 22 с. Хусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2014. – 130 б.; Қиличев Э. Айний асарларидаги антропонимларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – № 4. – Б. 21-24; Ўринбоев Б. Ғафур Ғулом асарларининг лингвопоэтикаси. – Самарқанд, 2008; Сатторов Ғ. Ўзбек исмларининг туркий қатлами: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1990. – 21 б.; Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: Филол. фан. ном... дисс. автореф. – Тошкент: 1998. – 25 б.; Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: 1994. – 25 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси масалалари (танлама фан) маъруза матнлари. – Самарқанд: – 65 б.; Худойназаров И. Антропонимларнинг тил луғат тизимидаги ўрни ва уларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.; Қурбонов Т. Бадий асарлардаги топонимларнинг лингвистик таҳлили ва изоҳи масалалари. – Самарқанд, 2006. – 126 б.; Ўринбоев Б. Ғафур Ғулом асарларининг лингвопоэтикаси. – Самарқанд, 2008 – 132 б.; Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. Наврўз, 2014. – 230 б.; Бўриев С. Ургут тумани микропонимларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фан. ном... дисс. автореф. – Тошкент: 2010. – 23 б. Кенжаева С. Ўзбек тили антропонимларининг номинацион-мотивацион асослари ва тавсифи. – Қарши: Фан ва таълим, 2020. – 190 б.

таҳлил тамойиллари асосида махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мустақиллик давридан бошлаб, ўзбек тилшунослигида бадиий матнда ономастик бирликлар таҳлилига бағишланган самарали ва салмоқли ишлар етакчи ўринларни эгаллаб бормоқда. Жумладан, Д.Худойберганованинг “Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини”³, Д.Анданиязованинг “Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси”⁴, Н.Мўминованинг “Темурийлар даври антропонимиясининг лексик-семантик хусусиятлари”⁵, Н.Ахмаджоновнинг “Бадиий услубда қўлланган прецедент номларнинг лингвопоэтик тадқиқи”⁶ ва Д.Юлдошевларнинг “Атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи”⁷ каби тадқиқотларини мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур тадқиқотларда ўзбек тили бадиий матнларидаги лексик бирликларнинг антропоцентрик талқини ва бадиий матнда ономастик бирликларнинг лингвопоэтик, лексик-семантик жиҳатлари ҳам умумий, ҳам назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Айниқса, Д.Анданиязованинг тадқиқоти ҳозирги кунда ўзбек тили ономастикаси билан шуғулланаётган тадқиқотчилар учун аниқ вазифалар қўйилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Демак, мавзунинг ўрганилиш даражасидан аён бўладики, “Бобурнома” ва Бобур шеърисида қўлланилган ономастик бирликлар махсус ўрганилмаган. Шу сабабли уларнинг лексик-семантик, лингвопоэтик хусусиятларини махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиш долзарблик касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Ҳозирги ўзбек ономастикасининг долзарб муаммолари” (2017-2022 й.й.) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Захириддин Муҳаммад Бобур асарларида қўлланган ономастик бирликларнинг лингвопоэтик, лексик-семантик хусусиятларини илмий далиллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Бобурнома” ва Бобур шеърисидаги ономастик бирликларни тўплаш, картотекалаштириш, маъноларини изоҳлаш ва аниқлаш;

Бобур асарларидаги антропоним ва топонимларнинг лингвопоэтик хусусиятларини очиқ бериш;

³Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол.фан. докт.... дисс. автореф. – Тошкент, 2015. – 72 б.

⁴Анданиязова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси. Филология фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 47 б.

⁵Мўминова Н. Темурийлар даври антропонимиясининг лексик-семантик хусусиятлари. Филология фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Қарши, 2021. – 47 б.

⁶Ахмаджонов Н. Бадиий услубда қўлланган прецедент номларнинг лингвопоэтик тадқиқи. Филология фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Фарғона, 2022. – 48 б.

⁷Юлдошев Д. Атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол.фан...доктори (DSc) дисс.автореф. – Тошкент, 2021. – 72 б.

Бобур асарларидаги этноним, зооним ва бошқа ономастик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятларини аниқлашдан иборат;

Бобур асарларидаги теонимларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ёритиш;

Бобур тахаллусининг лингвопоэтик хусусиятларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти. “Бобурнома”⁸ ва Бобур шеърिया⁹ ҳамда қиёс учун бадий-тарихий манбаларда қўлланилган ономастик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини “Бобурнома” ва Бобур шеърियाдаги ономастик бирликларнинг лингвопоэтик, лексик-семантик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвопоэтик таҳлил, тарихий-қиёсий, тарихий-этимологик, тавсифлаш, таснифлаш, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Бобурнома” ва Бобур шеърियाдаги антропонимлар, топонимлар, этнонимлар, зоонимлар ва бошқа атоқли отларнинг миллий-маданийлик, тарихийлик, этнографик, лексик-семантик хусусиятлари очиб берилган;

“Бобурнома” ҳамда Бобур шеърियाдаги теоним, идеоним, этноним, мифоним, ктематонимларнинг аллюзивлик, интертекстуаллик, эталонлик, экспрессивлик, номинативлик, ассоциативлик, ассоциатив образлилик каби лингвопоэтик хусусиятлари далилланиб, бу ономастик бирликларнинг тарихий-бадий матнни шакллантирувчи лингвистик восита эканлиги исботланган;

“Бобурнома” ва Бобур шеърियाда ономастик бирликларнинг муайян объект номини атаб келишидан ташқари ижодкорнинг турли бадий ниятларини ёритишга хизмат қилиши асосланган;

“Бобурнома” ҳамда Бобур шеърियाда ономастик бирликлар бадий санъатлар, ономастик метафора учун лингвопоэтик восита сифатида воқеланиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбек номшунослигида ономастик бирликларнинг мазмун-моҳияти ва умуман, ономастик бирликларнинг бадий матндаги зарурати, ўрни, имкониятлари лисоний ҳодиса сифатида илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

“Бобурнома”даги ономастик бирликларнинг, хусусан, антропоним, топонимларнинг лексик-семантик хусусиятлари очиб берилган;

Бобур шеърियाдаги ономастик бирликларнинг, хусусан, поэтик антропоним, поэтик топоним, поэтик теоним ва бошқа поэтонимларнинг лексик-семантик, лингвопоэтик хусусиятлари ёритиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тавсифлаш, статистик, лингвопоэтик таҳлил каби

⁸ З.М.Бобур Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – Б. 288.

⁹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур Девон. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 144; Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Назм дурдоналари. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 201; Бобур девони. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 112.

усуллар билан асослангани, ономастик бирликларга ўзбек тилининг табиатидан келиб чиқиб ёндашилгани билан белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. “Бобурнома” мемуар асар мақомида Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон халқлари кечмишида қанчалик қимматли манба саналса, асарда тилга олинган исмлар ва жой номлари, этнонимлар номшунослик учун ҳам ўзбек, тожик, афғон (пушту), форс, араб, хинд ва бошқа тилларнинг ўтмиши ва ҳозирги ривожини тадқиқ этиш учун ҳам муҳим ашъвий далил вазифасини ўтайди. Бобур асарларидаги ономастик бирликларни тадқиқ этишнинг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда ўзбек филологиясида долзарб бўлиб турган матн тилшунослиги, бадиий матн лингвопоэтикаси ва ономастик бирликларнинг бадиий матнда қўлланилиши масалалари юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** шундан иборатки, Бобур асарларидаги теоним, антропоним, топоним ва бошқа ономастик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек тилининг туб моҳияти ва унинг асосий вазифаларининг намоён бўлиш қонуниятларини, умуман, ўзбек тилининг бадиий матндаги имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим илмий-назарий маълумотлар билан бойитади. Тадқиқот “Ўзбек ономастикаси”, “Матн тилшунослиги”, “Лингвопоэтик таҳлил”, “Ўзбек тили услубияти” каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилади. Шунингдек, ўзбек тилининг бойлиги ҳисобланган исмлар, фамилиялар, отаисмлар, жой номлари каби ономастик бирликларнинг бадиий матндаги ўрнини аниқлашга, поэтик ономастиканинг назарий асосларини яратишга, бу соҳага оид терминологик тизимнинг ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги ономастик бирликларнинг лексик-семантик, лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Бобурнома” ва Бобур шеъриятида ономастик бирликларнинг муайян объект номини атаб келишидан ташқари ижодкорнинг турли бадиий ниятларини ёритишга хизмат қилиши асосланганлигига оид хулосаларидан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика Фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали томонидан 2020-2022 йилларда бажарилган А1-ХТ-0-92997 рақамли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” мавзусидаги фундаментал лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика Фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали 2022 йил 18 августдаги 209-сон маълумотномаси). Натижада Бобур шеъриятида ономастик бирликлар бадиий санъатлар, ономастик метафора учун лингвопоэтик восита сифатида воқеланишидаги номлардан; “Бобурнома” ва Бобур шеъриятида ономастик

бирликларнинг муайян объект номини атаб келиш билан бирга ижодкорнинг турли бадий ниятларини ёритиш имконини берган;

“Бобурнома” ҳамда Бобур шеърлятида ономастик бирликлар бадий санъатлар, ономастик метафора учун лингвопоэтик восита сифатида воқеланиши далилланганига оид халосаларидан 2022 йилнинг 14 февралда “O‘zbekiston 24” радиоканалида эфирга узатилган “Муҳим мавзу” эшиттиришида фойдаланилган (“O‘zbekiston 24” радиоканалининг 2022 йил 24 июндаги 03-09-363-сон маълумотномаси). Натижада ушбу эшиттиришнинг мазмуни бойитилган ва тингловчилар “поэтик ономастика”, “поэтоним” терминлари ва тушунчаларининг англлатган луғавий маънолари билан танишган. Мумтоз адабиётимиз матнларидаги ономастик бирликларнинг бадиётдаги ўрни ҳамда ижодкорнинг номлар орқали ҳаёт йўли, шахсияти, тафаккури, ҳаёт дунёси билан яқиндан танишиш имконини берган;

“Бобурнома” ҳамда Бобур шеърлятидаги теоним, идеоним, этноним, мифоним, ктематонимларнинг аллюзивлик, интертекстуаллик, эталонлик, экспрессивлик, номинативлик, ассоциативлик, ассоциатив образлилик каби лингвопоэтик хусусиятлари далилланиб, бу ономастик бирликларнинг тарихий-бадий матнни шакллантирувчи лингвистик восита эканлиги исботланганига доир илмий хулосалардан “Бобур асарлари поэтонимларининг қисқача изоҳли луғати” (ISBN 978-9943-8476-0-6)ни нашрга тайёрлашда фойдаланилган. Натижада Бобур асарларидаги поэтонимларнинг бадий матндаги ўрни ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий қиймати ёритилган, натижалари тавсифланган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ономастик бирликларнинг ўрганилиш тарихи ва назарий асослари**” деб номланган ва тўрт бўлимни ўз ичига олади. Дастлабки бўлим “*Ўзбек тилшунослигида тарихий-бадий асар тили ва тарихий ономастиканинг ўрганилиши*” тадқиқига бағишланган. Бунда бадий асар тили ҳамда у билан боғлиқ муаммолар, тарихий-бадий асар тили бўйича тадқиқотчилар олиб борган тадқиқот ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Бадий асар тилига том маънода бўлган қизиқиш ХХ асрнинг 20-йилларидан бошланганини эътироф этиш мумкин. Бадий асар тили, жумладан, уларнинг лексикасини ўрганишга даставвал хорижлик олимлар жиддий эътибор бера бошладилар. Бу соҳада В.В.Виноградов¹⁰, Г.О.Винокур¹¹, А.И.Ефимов¹² сингари олимларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбек тилшунослигида бадий асар тили тадқиқи билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари кейинги йилларда анча жонланди. Л.Абдуллаева¹³, С.Ашурбоев¹⁴, Б.Бафоев¹⁵, А.Рустамов¹⁶, Б.Турдалиев¹⁷, М.Йўлдошев¹⁸ ва бошқаларнинг докторлик диссертациялари шулар жумласидандир. Х.Дониёров ва Б.Йўлдошевлар томонидан яратилган “Адабий тил ва бадий стиль” номли илмий асарида бадий матн тилини тадқиқ этишнинг аниқ йўллари ва усуллари белгилаб берилган.

Ўзбек тарихий топонимикаси ва антропонимикаси бўйича академик Б.Аҳмедов, академик А.Муҳаммаджоновларнинг айрим тарихий топонимлар этимологиясига доир кузатишлари¹⁹, Ш.Камолиддиннинг Ўрта Осиёдаги қадимги туркий топонимияга оид ишлари диққатга сазовор²⁰. Н.Хусановнинг XV аср ёзма ёдгорликларидаги антропонимларга, Ш.Ёкубов ва Б.Бафоевларнинг Алишер Навоий ономастикасига, М.Турдибековнинг Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асари ономастикасига, И.Худойназаровнинг ўзбек фольклори

¹⁰ Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. – М.: Высшая школа, 1981. – 102 с.

¹¹ Винокур Г.О. Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: Высшая школа, 1981. – С. 44-52.

¹² Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. – М.: МГУ, 1968. Ефимов А.И. Язык и стиль. – М.: Наука, 1977. – 241 б.

¹³ Абдуллаева Л. Стилистическая дифференция лексики узбекской художественной литературы // Автореф. дис. .д-ра филол. наук. – Ташкент, 1980. – 48 с.

¹⁴ Ашурбоев С. Структурно-семантические особенности простого предложения в прозаических произведениях Алишера Навои // Автореф. дис. д-ра филол. наук. – Ташкент, 1990. – 51 с.

¹⁵ Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои (лексико-семантические, стилистические и тематические исследования) Автореф. дис. .д-ра филол. наук. – Ташкент, 1989. – С. 54.

¹⁶ Рустамов А. Некоторые фонетические и морфологические особенности языка произведений Алишера Навои // Автореф. дис. .д-ра филол. наук. – Ташкент, 1966. – С. 62.

¹⁷ Турдалиев Б. Хамза и узбекский литературный язык (начало XX века) // Автореф. дис. д-ра филол. наук. – Ташкент, 1988. – С. 48.

¹⁸ Йўлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.д-ри. ...дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2009. – 316 б.

¹⁹ Муҳаммаджонов А. “Турон” геоними ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – №2. – Б. 12-16; Самарқанднинг тарихий топонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. № 4. – Б. 37-42; Марғилон-Марғинон номининг маъноси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – № 5. – Б. 39-42; Фарғона номининг маъносига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – № 6. – Б. 7-12; “Кува” ёки “Кубо” топоними ва “Кубод” атамасининг этимологик асослари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. № 3. – Б. 41-46.

²⁰ Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шарк, 2006. – С. 192.

ономастикасига бағишланган тадқиқотлари ўзбек номшунослигида муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилган ва уларга муносабат билдирилган.

Бобнинг иккинчи бўлими “*Ономастик бирликларнинг бадиий матндаги ўрни ва тилшуносликда поэтик ономастика масаласи*” тарзида номланган. Ўзбек тилшунослигида номлар турли сатҳ ҳамда йўналишларда ўрганилган ва ўрганилмоқда. Шундай йўналишлардан бири поэтик ономастикадир. Поэтик ономастика ономастиканинг адабий танқид, стилистика, поэтика, семиотика, матн тилшунослиги ва бошқа фанлар билан туташган жойида вужудга келган. Мазкур фан О.Фоньякова кўрсатишича “ҳақиқий ва ҳаёлий ономастика элементларининг ҳар бир ёзувчи ва алоҳида матн ижодида индивидуаллиги ва қўлланилиши асосида акс этади”.

Рус ва ўзбек тилшунослари тадқиқотларида “*адабий ономастика*”, “*стилистик ономастика*” ва “*поэтик ономастика*”²¹; ўрганилаётган тушунчани белгилаш учун “*поэтоним*” (В.М. Михайлов), “*адабий оним*” (О.А.Карпенко, Г.А.Силаева), “*адабий-бадиий оним*” (М.В.Карпенко, Б.А.Никонов, В.М.Михайлов), “*ёзувчилар тилидаги тегишли исм*” (С.А.Копорский) каби соҳа терминларини қиёслаб, унга кўра *адабий ономастика* бирлиги *адабий оним*; *поэтик ономастика* бирлиги “*адабий-бадиий оним*”; *стилистик ономастика* бирлиги “*ёзувчилар тилидаги тегишли исм*” эканлиги далилланди. Тадқиқотчилар нуқтайи назаридан “*поэтоним*” атамасининг универсаллиги²² асосланди. Шунингдек, поэтонимларни жанр ва бадиий асар йўналишига кўра *анъанавий, тарихий, тарихий-замонавий, замонавий, тўқима* турларга ажратиш таклиф этилди.

“Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати”да поэтонимлар шеърый асарда *аллюзив ном, ономастик метафора* вазифасида, бирор хусусиятнинг *эталон* сифатида келиши ва шеърый асарларда қўлланган поэтонимлар *талмеҳ, тажнис, ташихис, ташибеҳ, такрир, муболага, иттифоқ, ийҳом, истиора, нидо* каби бадиий санъатлар; *апострофа, хушоҳанглик, аллитерация* каби услубий воситаларни юзага келтиришда муҳим лингвопоэтик восита мақомида келишини²³; насрий асарларда “*сўзловчи*” *ном*, асар қаҳрамонларининг ички қиёфасига бирор жиҳатдан ишора қилиб, бадиий тимсолни тўлақонли тасвирлаш, асрга рамзийлик, киноявийлик, кулгили кайфият бахш этиш, жанрга хос услубни шакллантириш каби мақсадларга хизмат қилиши келтириб ўтилгани²⁴, шу луғат асосида поэтонимларнинг *аллюзивлик, интертекстуаллик, апеллятивлик, эталонлик, экспрессивлик, рамзийлик, номинативлик, ассоциативлик, метафорик образлик, ассоциатив образлик, ономастик метафора, интенсив ном, сўзловчи ном, лингвопоэтик восита* каби вазифаларни бажариши

²¹ Калинин В.М. Поэтика онима. – Донецк, 1999. – С. 126.

²² Крылова А. Г. Онимы и их роль в создании экспрессивности художественной прозы Ю.В.Буйды: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2020. – С. 11.

²³ Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – Б. 5.

²⁴ Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – Б. 95.

хамда бошқа манбаларда поэтонимларнинг энг характерли хусусиятлари сифатида *номинатив, стилистик (поэтик), эстетик, интертекст, матн ҳосил қилувчи, перспектив (нуқтайи назар), локализация, социологик, аллюзив, мифологик* каби функциялари аниқланди.

Бобнинг учинчи бўлими **“Бадиий матнда қўлланган ономастик бирликлар лексик-семантик, лингвопоэтик тадқиқи”** тарзида номланган. Бадиий матнда ономастик бирликларнинг поэтик мақсадда қўлланиши, уларнинг асар бадииятидаги ўрни ва тил хусусиятлари рус тилшунослигида ва туркийшуносликда атрофлича ўрганилганини таъкидлаш мумкин. Бу борада А.В.Суперанская, А.А.Фомин, В.М.Калинкин, В.Д.Бондалетов, Н.В.Виноградова, Н.В.Подольская каби рус тилшунослари²⁵; Э.Гунгўрд, Ў.Кибар, Л.М.Хамитова, Н.Ерғазиева, Г.Ф.Саттаров, Р.Х.Гаррапова, А.Р.Биктимирова, К.З.Жаппар, О.Т.Сайимбетов каби турк, татар, қозоқ, озарбайжон, қорақалпоқ тилшунослари²⁶ тадқиқот олиб боришган. Бадиий матнда ономастик бирликларнинг поэтик мақсадда қўлланиши, уларнинг асар бадииятидаги ўрни ва тил хусусиятлари ўзбек тилшунослигида Э.Қиличев, И.Худойназаров, Т.Қурбонов, Н.Хусанов, Б.Йўлдошев, Д.Анданиязова, Н.Ахмаджоновлар тадқиқотларида қисман ўрганилган.

Д.Худойберганова, Д.Анданиязова, Н.Ахмаджонов тадқиқотлари, Б.Йўлдошев, Х.Бўронованинг Эркин Самандарнинг ономастик бирликларни қўллаш маҳорати (“Қуюн излари ёхуд Огаҳий” тарихий романи асосида) монографияси кабиларга муносабат билдирилди.

Поэтик ономастика эса лингвопоэтиканинг текшириш объекти. Рус тилшуноси Н.В.Подольская, В.М.Калинкин, С.И.Зинин қарашларига мувофиқ тарзда номлар поэтикасини ўрганувчи соҳани “поэтик ономастика” деб аташ маъқулланди.

Назаримизда, бадиий матндаги ҳар қандай ном эмас, балки бадиий асар жанри ва йўналишига кўра ижодкор бадиий ниятини ёритишга хизмат қилган, услубий восита ёки бадиий-тасвирий воситаларни юзага келтирган номлар поэтоним термини остида ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Унинг

²⁵ Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1973. – 102 с.; Фомин А.А. Литературная ономастика в России: Итоги и перспективы. // Вопросы ономастики. – Екатеринбург: Издательство Уральского университета. 2004. – № 1. – С. 108-120; Калинкин В.М. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дисс.... д-ра филол наук. – Киев, 2000. – 54 с.; Бондалетов В.Д. Русская ономастика. – М.: Просвещение, 1983; Виноградова Н.В. Имя в художественном тексте: Автореф. дисс. ...канд. филол наук. – Твер, 2002; Подольская Н.В. Словар русской ономастической терминологии. 2-е издание. – М.: Наука, 1988. – 123 с.

²⁶ Гўнгўрд Э. Ана ҶизгилерийлеТўрк КиҶи Адлари Системи. – Анкара, 1992; Кибар О. Тўрк Кўлтўрўнде Ад Верме. – Анкара: Аксағ, 2006; Хамитова Л.М. Поэтический ономастикон в татарских детских стихотворениях (на материале художественных текстов Ш.Галиева И.Р.Миннуллина): Дисс. ...канд. филол. наук. – Елабуга. 2007; Ерғазиева Н. Взаимосвязь прозвищ, табу и эвфемизмов в казахском языке / Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С. 118-120; Сатаров Г.Ф. Татар исемлери сузлеге. – Казан: Татарстан китап нешрияти, 1981; Гаррапова Г.Х. Поэтическая ономастика прози Мухаммета Магдеева: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казан: Казанск. гос. ун-т, 2000; Биктимирова А.Р. Лингвистическая и ономастическая поэтика татарских народных песен: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. Казан: Казанск. гос. ун-т, 2003.; Жаппар К.З. Эстетические функции имен собственных в поэзии О.Сулейменова: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Алмата, 2000; Сайимбетов О.Т. Қарақалпақ тилиндеги меншикли адам атлари. – Нокис: Билим, 2000. – 86 б.

турлари сифатида поэтик юкли шахс номларига нисбатан “антропоним” эмас, балки “*поэтик антропоним*”, жой номларига нисбатан “топоним” эмас, “*поэтик топоним*”, ҳайвонларга атаб қўйилган номлар учун зооним эмас, “*поэтик зооним*” тарзида қўллаш маъқул деб топилди.

Бобнинг тўртинчи бўлими “*Бадиий матннинг ономастик кўлами ва поэтонимлар таснифи*” деб номланган. Тилшуносликда ономастик кўлам деганда, муайян халқ тилидаги реал, тахминий ва хаёлий объектларни номлаш учун қўлланадиган атоқли отлар мажмуи тушунилади²⁷.

Бадиий матннинг ономастик кўлами масаласи бевосита ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи билан боғлиқ ҳодисадир. Қолаверса, “бадиий матндаги ономастик бирликлар матн кўламини, мазмун ва услубини шакллантирувчи муҳим восита ҳисобланади”²⁸.

Тилшуносликда бадиий матннинг ономастик кўламини ўрганиш турли таснифлар асосида амалга оширилган. Айрим ишларда ономастик бирликларнинг турига кўра тасниф қилинса, айрим ишларда улар замонавий ва тарихий эканлигига кўра тасниф қилинган²⁹. А.Н.Деревяго, Л.М.Шетинин³⁰, В.Н.Михайлов³¹, Д.Анданиязоваларнинг³² бадиий асарнинг ономастик кўлами масаласида амалга оширилган ишлари ўрганилди.

Ономастик кўлам тушунчаси турли тилшунослар томонидан бир хил талқин этилса-да, унга бўлган ёндашувлар турлича. Лингвопоэтик ёндашув эса ана шундай ёндашувлардан бири сифатида ономастик кўламнинг асар бадиий-эстетик бутунлигини таъминлашдаги ўрнини аниқлаш учун хизмат қилиши асослаб берилди.

“Бобурнома”даги ономастик бирликларнинг статистикаси бўйича тадқиқотчилар томонидан турлича ҳисоб-китоблар қилинган. Жумладан, тадқиқотчи М.Ҳошим “Бобурнома”да 1605 антропоним, 1151 та топоним, 277 этноним, 414 та зооним ва фитонимлар, 40 та китоб ва рисола номлари мавжудлигини ҳисоблаб чиққан³³; Т.Нафасов 1406 та киши исми, 1100 дан ортиқ жой номи, 70 га яқин этноним келтирилганини қайт этган³⁴, Ғ.Эшонов подшоҳлардан тортиб, давлат арбоблари, суворийлар, дин арбоблари, шоирлар, деҳқонлардан иборат 1550 га яқин кишининг номи тилга олинган, уларнинг жуда кўпчилигининг шахс сифатидаги фазилатлари, феъл-атвори,

²⁷ Бу ҳақда қаранг: Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент, 2013. – Б. 34.

²⁸ Алтухова О.Н. Поэтонимы-медиаторы в макроконтесте произведений В.Пелевина // Социосфера. – М., 2014. – № 3. – С. 50.

²⁹ Бу ҳақда қаранг: Сулова Т.Д. Ономастикон В.П.Катаева (на материале тетралогии «Волны черного моря») // Русская ономастика. – Одесса, 1984. – С. 146.

³⁰ Шетинин Л.М. Слова, имена, вещи. Очерки об именах. Ростов-на-Дону, 1966. – С. 126-132.

³¹ Михайлов В.Н. Собственные имена персонажей русской художественной литературы XVIII и первой половины XIX вв., их функции и словообразование. Диссертация. – М., 1956. – С. 60.

³² Анданиязова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 14.

³³ Ҳошим М. Беш юз йиллик комус // Тафаккур, 2003. – № 1. – Б. 24-25.

³⁴ Нафасов Т. Бобур – номшунос // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. – Андижон, 1993. – Б. 39.

яхши ёки ёмон хусусиятларига ўз муносабатини билдирган³⁵, Р.Расулов, “Бобурнома”да тахминан 15 минг сўздан фойдаланилганини, шу жумладан, географик номлар 1000 дан ортиқлиги, 1800 дан кўпроқ киши исмлари учрашини³⁶ таъкидлаган, Г.Жўраева “Бобурнома”да 1560 нафар персонаж ҳақида фикр юритилган бўлиб, муаллиф уларнинг ҳар бирига жамиятдаги мавқеи, ўша давр сиёсий-ижтимоий қарашлар талабига муносиб баҳо беради, таърифлайди³⁷ деб қайд этган, Р.Сайдуллаева луғатида “Бобурнома” асарида 1,5 мингдан ортиқ антропонимлар, 1000 дан ортиқ топонимлар, 50 га яқин этнонимлар, бир қатор зоонимлар, космонимлар, ктематонимлар учрашини³⁸ маълумот сифатида келтиргани аниқланди.

3.Холманованинг “Бобурнома” лексикаси тадқиқи” мавзусидаги ишида лингвостатистик таҳлил юқорида қайд этилганлардан фарқли жиҳатларга эга. Олиманинг ҳисобича “Бобурнома”да 14728 та сўз қўлланган. Шундан 4007 таси (асар лексикасининг 27,2%и)ни номлар ташкил қилади, жумладан: 1507 та антропоним, жумладан, 85 таси туркий, 181 таси форсча-тожикча, 533 таси арабча, 66 таси ҳинд тилига оид, 12 таси мўғулча, 2 таси хитойчадир. Қолганлари гибрид сўзлардан шаклланган номлардир. 1253 та топоним, 284 та этноним, 175 та зооним, 247 та фитоним, 37 та китоб ва рисола (библионимлар), 4 та кема номи (наутонимлар)³⁹ асарда мавжудлигини ҳисоблаб чиққан. Бизнинг ҳисобимиз ҳам 3.Холманованинг кузатишларини тасдиқлади. Шунингдек, Бобур шеърлятида 140 га ономастик бирлик борлиги аниқланди, жумладан, 42 та антропоним, 40 та топоним, 20 ктематоним, 8 та теоним, 5 та этноним, 6 та идеоним (библионим ва бошқа), 4 та мифоним, 2 та космоним, 2 та байрам номи ва бошқа номлар. Бу эса асар ономастик кўламининг кенглиги ва ҳар бир макро ва микро кўламга эътибор қаратишни тақозо этди. Натижада бадиий матннинг ономастик кўламига лингвопоэтик ёндашувда фақатгина муайян бадиий ният билан қўлланган ономастик бирликларгина эмас, китобхонга завқ берувчи номга ҳам диққатни қаратиш лозим, деб топилди. Бобур асарлари ономастик кўламига лингвопоэтик ёндашув асосида “Бобур асарлари поэтонимларининг қисқача изоҳи” луғати тузилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бобурнома”даги ономастик бирликларнинг лексик-семантик, тарихий-этимологик, лингвопоэтик хусусиятлари**” деб номланган ва уч бўлимни ўз ичига олади. Дастлабки бўлим **“Бобурнома”даги антропонимларнинг лексик-семантик ва бадиий эстетик хусусиятлари**”ни тадқиқ этишга бағишланган. Асардаги

³⁵ Эшонов Ғ. “Бобурнома”да комил инсон тимсоли // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. – Андижон, 1993. – Б. 57.

³⁶ Расулов Р. Бобур – ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. – Андижон, 1993. – Б. 44.

³⁷ Жўраева Г. “Бобурнома” асарида персонажлар характеристикаси // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2018. –№8. – Б. 34-36.

³⁸ Сайдуллаева Р. Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асаридаги ономастик бирликларининг изоҳли луғати. – Қарши, 2022. – Б. 6.

³⁹ Холманова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 19-21.

антропонимларнинг асосий қисми муаллифга замондош шахслар исмларидир. Улар лексик-семантик хусусиятларига кўра: 1) диний антропонимлар; 2) тарихий антропонимлар; 3) поэтик антропонимларга ажратиб ўрганилди. Асардаги диний антропонимлар қуйидагича таснифланди: а) пайғамбарлар исми: *Яъқуб, Муҳаммад, Закариё, Ҳазрат Нух*; б) пайғамбарларнинг яқинлари исми: *Ҳайдар, Ҳасан Халифа, Имом Абу Ханифа*; д) авлиёлар исми: *Авлиёхон, Хожжа Аҳрор Вали, Хожжа Калон*; е) шайхлар исми: *Шайх Абдулло барлос, Шайх Абдулло эшик ога* каби.

Асар антропонимиясининг асосий қисмини тарихий антропонимлар ташкил этади. Тарихий шахс исмлари ижтимоий ҳолатига кўра қуйидагиларга ажратилди: 1) шоҳ ва шаҳзодалар: *Темурбек, Улуғбек мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо, Абдулазиз мирзо, Абдулатиф мирзо*; 2) ижодкорлар: *Навоий, Низомий, Шайх Саъдий Шерозий, Хондамир*; 3) Бобурга хизмат қилган ва ёрдам берган шахслар: *Қамбар Али, Алихон Фармулий, Ёдгор Муҳаммад Носир мирзо, Зуннун аргун* кабилар. Асарда поэтик антропонимлар кам қўлланган. *Жамшид, Фаридун* каби антропонимларни киритиш мумкин.

“Бобурнома”да кўплаб лақаб ва тахаллуслар келтирилган. Лақаблар номланишига қараб қуйидаги семантик гуруҳларга ажратилди: 1) иккинчи ном сифатида қўлланган лақаблар: *Олачахон, Хоникахон, Қорақўзбегим, Оқбегим*; 2) машғулотига қараб қўлланган лақаблар: *Маснапийгўй, Саллоҳ*; 3) куч-қудратни ифодаловчи лақаблар: *Бўка, Ҳизабруллоҳ*; 4) шу шахс билан боғлиқ бир воқеага асосланган лақаби: *Карк, Дармиён*.

“Бобурнома”да келтирилган тахаллуслар қуйидагича тасниф қилинди: 1) адиб дидига мақбул тушган мавҳум сўзлар асос бўлган тахаллус: *Вафойй, Фоний, Фарибий, Фақирий, Туфайлий*, ва б.; 2) ижодкорнинг касби, ҳунарига ишора қилган тахаллус: *Биноий* (бинокор) ва б.; 3) отасининг ижтимоий мавқеи мотив ёки шахснинг насл-насабини ифодаловчи тахаллус: *Осафий* ва б.; 4) шахснинг исмидан ясалган тахаллус: *Ҳусайний* (Султон Ҳусайн Бойқаро) ва б.; 5) шахснинг она юрти, турар жойи номидан ясалган тахаллус: *Бадахший, Жомий, Гозургоҳий, Ҳотифий* ва б.; 6) маҳоратига қараб берилган тахаллус: *Муаммоий, Баёний* ва б.; 7) Осмон жисмларига ишора қилиб қўйилган тахаллус: *Суҳайлий, Ҳилолий* ва б.

Асардаги *Танбал, Жамшид, Фаридун, Зардушт, Шайх, Мулло Шихоб, Хондамир, Улуғбек, Аббос, Абдулатиф, Бобо Ҳусайн, Фўлод, Чаҳоршанба* ва бошқа антропонимларнинг бадиий матндаги ўрни ва вазифаси ёритиб берилди. Масалан, “Бобурнома”да келтирилган *Фўлод* антропоними *ийҳом* санъати учун лингвопоэтик восита бўлган, яъни *Фўлод* антропоними икки хил маънода *Фўлод* (султон) “*шахс исми*” маъносида ва “*нўлат*” (қаттиқ жисм) маъносида қўлланган, яъни антропонимнинг окказианал маъноси мавжуд.

“Бобурнома”да келтирилган шеърий матнлардан ташқари насрий парчаларда антропонимлар ҳам поэтик, ҳам лингвистик юк олган. Масалан, “...*Ғаройиб воқеалардан бири шуки, Султон Ҳусайн мирзо Бадиуззамон*”

мирзони енгган чоршанба куни, Астрободда Музаффар мирзо Муҳаммад Мўмин мирзони энгади. Бундан ажаброғи шундаки, Чаҳоршанба исмли киши Муҳаммад Мўмин мирзони қўлга тушириб келтиради...” (БН:54). Мазкур матнда Чаҳоршанба антропоними орқали Чаҳоршанба исмли кишининг чоршанба куни туғилганлигини, яъни шу исмнинг мотиви маълум бўлса, иккинчи томондан чоршанба куни бўлган воқеани Бобурнинг хотирасида узоқ қолиши учун сабаб бўлган. Бу антропоним матнни аллюзив ном сифатида бойитган.

Бобурнинг иккинчи бўлими **“Бобурнома”даги топонимларнинг лексик-семантик, тарихий-этимологик ва лингвопоэтик хусусиятлари**” деб номланган. Топонимика номшуносликнинг жой номларининг пайдо бўлиши, ривож, вазифавий хусусиятларини ўрганувчи соҳасидир⁴⁰. Туркий қатламга оид топонимлар лексик-семантик жиҳатдан қуйидагиларга ажратилди: 1. Антропоним асосида шаклланган жой номлари: *Қоратегин, Қутлуққадам*. 2. Шахс касб-корини билдирувчи сўзлардан шаклланган жой номлари: *Чўпон, Тутқовул*. 3. Худуд учун характерли бўлган белги-хусусиятни таъкидловчи жой номлари: *Олатоғ, Олмалиқ, Оқсув, Қизилсув, Қоракўл, Қора работ, Қўштегирмон, Илон ўтти*. 4. Қабила-уруғ номлари асосида шаклланган жой номлари: *Қипчоқ, Қарлуқ, Уйғур, Озарбайжон*. 5. Худудий миқдорни билдирувчи сўзлардан шаклланган жой номлари: *Тўққуз ўлум, Еттикент, Қирқариқ*. 6. Воқеа-ҳодисага ишора қилувчи сўздан шаклланган жой номи: *Такасекратку, Ҳодарвеш*. 7. Ҳайвонлар жуда кўп бўлган ва шу ҳайвон номлари билан аталган жой номи: *Кийикли, Қулонлисой*. 8. Маълум бир иш-ҳаракатни бажариш асосида номланган жой номи: *Банди Солор (Аслида Бандсолур)*. *Банди Солор* топонимининг ҳозирги “Бобурнома” матнларида нотўғри ёзилгани ва бу сўз соф ўзбекча *Бандсолур*⁴¹ эканлигини манбалар асосида далилланди. “Бобурнома”даги топонимларнинг асосий қисми ҳозирги туркий тилларда учраши⁴², бу соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб борилгани, аммо бадиий асарларда қўлланган ономастик бирликлар, жумладан, топонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари махсус тадқиқ этилган ишлар ўзбек ономастикасида жуда камлиги аниқланди.

Э.Қиличев бадиий асардаги топонимларни ўрганишнинг аҳамиятини қуйидагича таъкидлайди: Бадиий асар тилидаги географик жой номларини ўрганиш, аввало, топонимика илмини ривожлантириш учун муҳим бўлса, сўнгра ёзувчи услубини белгилаш учун ҳам аҳамиятлидир⁴³. Бу ўринда фақат Т.Қурбоновнинг ёзувчи Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур”, “Авлодлар доवони. Ҳумоюн ва Акбар” тарихий романлари таҳлили асосида

⁴⁰ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 76-77.

⁴¹ Қозоқов Т., Воҳидов А., Рўзинов Б. Ибрат нигоҳидаги Ахсикент. – Тошкент, 2018. – Б. 59-61.

⁴² Атанязов С. Туркменистаның топонимиясы. – Ашгабат: Ўлим, 1981.

⁴³ Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 62.

эълон қилинган ишини алоҳида таъкидлаш лозим⁴⁴. Мазкур тадқиқотларда қўлланилган методларга таянган ҳолда “Бобурнома”даги топонимларнинг лексик-семантик, тарихий-этимологик ва лингвопоэтик хусусиятлари ёритилди.

“Тошканд” ва “Сайрам” топонимларининг ўрон сифатида қўлланганлиги асарга ўзига хос лингвопоэтик хусусият касб этган. Бу топонимлар асарда ўз маъносида қўлланмаган, балки матнга бошқа маънода келиб, коннотатив маъно метонимия кўчими асосида акс этган. Бундан ташқари асарда *Баяна*, *Бажавр*, *Назаргоҳ*, *Манер*, *Уқобайн* ва бошқа топонимларнинг лексик-семантик, лингвопоэтик хусусиятлари очиб берилди.

Бобур турк халқининг характери, мардонаворлигини аниқ кўрсатиш учун *Баяна* амирига ушбу парчани юборган: “...*Баянага қаландар пиёданни жўнатиб, Низомхонга ваъда ва таҳдид билан фармонлар юборилди. Мана бу қитъа бадиҳа қилиб, ёзиб юборилди:*

*Бо турк ситеза макун, эй мири Баяна,
Чолокию мардона турк аёнаст.
Гар зуд наёию насиҳат накуни гўш,
Онжоки аёнаст чи ҳожат ба баёнаст... ”*

(Мазмуни: *Эй Баяна мири, турк билан ўйнашма, туркнинг эпчиллиги ва мардлиги ҳаммага аён. Агар тез келиб насиҳатни қулоққа олмасанг, аён бўлган гапни баён қилишининг нима ҳожати бор.*) (БН:222). Бу байтда *эй мири Баяна* бирикмаси *нидо* санъати учун, шунингдек, *эй мири Баяна* шаклдаги *ёйиқ ундalma* ҳамда метонимия кўчимига лингвопоэтик объект бўлган.

Бошқа бир тўртликда *Бажавр* топоними орқали сўз ўйини қилинган, яъни *Бажавр* сўзи “қалъа” номи ва “зулм билан” маъносида қўлланилган:

*Қарору аҳд бо ёр инчунин набуд маро,
Газид ҳаржу маро кард беқарор охир.
Ба шиваҳойи замона чи чора созад кас,
Бажавр кард жудо ёрро зи ёр охир.*

(Мазмуни: *Менинг ёр билан қарору аҳдим бундай эмас эди. Охири ҳажри чақиб, мени беқарор қилди. Замона шиваларига киши нима чора қилади? Охирда Бажавр ёрни ёрдан жудо қилди.*) (БН:165). Шаклдошлик хусусиятига эга *Бажавр* топоними *ийҳом* санъатини юзага келишига лингвопоэтик восита бўлган.

Ёки бу парчадан *Уқобайн* топоними ономастик метафора усули (чунки *қоя* *уқоб* (бургут) *қуши* шаклига ўхшаган)да номланганлиги, топонимнинг апеллятивни ва мотивни ҳақида ҳам та’лимот берилганлиги аниқланди: “...*Шоҳи Кобул тогидан бир қоя-тумишуқ айрилиб турипти, уни Уқобайн*

⁴⁴ Қурбонов Т. Тарихий бадий асар ва давр тили масалалари (Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур” романи асосида). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 132; Қурбонов Т., Худойбердиева М. Бадий асарлардаги топонимларнинг лингвистик таҳлили ва изоҳи масаласи (Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур”, “Авлодлар довони. Хумоюн ва Акбар” романлари материаллари асосида). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – Б. 79.

(икки бургут) дейдилар. Уқобайн қоясидан бошқа яна бир парчагина тоғ тушиган бўлиб, Кобул қалъасининг арки бу тоғнинг устидадир... ” (БН:264).

Бобнинг учинчи бўлими **“Бобурнома”даги этноним, зооним, ктематоним ва бошқа ономастик бирликларнинг лексик-семантик хусусиятлари, тарихий-бадий матнда лингвопоэтик восита сифатидаги ўрни** тарзида номланган. Бу бўлимда этноним, зооним, ктематоним, космоном, наутонимларнинг тарихий-бадий матнда лингвопоэтик восита сифатида қўлланганлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган ва уларнинг лексик-семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари ёритилган. Масалан, “Бобурнома”да *Турк* этнонимининг қуйидаги маънолари кузатилди: 1) сўзнинг бош маъноси (халқ номини билдирган): “...мунинг зарари туркка ва мўғулга мусовидур...” (БН:85); 2) шахснинг миллати, элатини билдирган: “..турк ва ҳинд умароларини чорлатиб, чаин бердук...” (БН:89); 3) “содда” маъносини ифодалаган: “...Аҳмадбек турк киши эди, вале мардона ва давлатхоҳ эди...” (БН:91).

